



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 21 сентябрь, № 187 (5607) • Жума

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК



СЕУЛ. 20 сентябрь.
ЎЗА махсус муҳбири
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан, 19 сен-

тябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки пойи осийиш тоған Миллий ёдгорлик мажмуини

зиёрат қилиш билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Миллий ёдгорлик мажмуига гулчамбар қўйди. Икки мамлакат Прези-

дентларининг расмий учрашуви маросими Корея Республикаси раҳбарининг қароргоҳи жойлашган “Чонг Ва Дэ” (“Мовий сарой”) тарихий мажмуида бўлиб ўтди.

Ислам Каримов ва Ли Мён Бак очкилик ва ҳамкорликни ривожланти-

ришга интилиш руҳида икки томонлама муносабатларга доир кенг қўламли, жумладан, ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларига доир масалаларни, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётган ушбу учрашуви жадал ривожланаётган ва ўзаро ишонч билан йўғрилган Ўзбекистон — Жанубий Корея мулоқотларининг мантиқий давоми экани таъкидланди. 2011 йили Тошкентда ўтган олий даражадаги мулоқотнинг амалий натижаларидан бири сифатида икки мамлакат раҳбарлари иштирокида йирик кўшма лойиҳа — Сурғил кони негизда газ-кимё мажмуи қурилишига тамал тоши қўйилгани Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин тимсоли бўлди.

Учрашуви якунида Ислам Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган, ҳар томонлама муносабатларнинг истиқболдаги устувор йўналишлари

белгиланган Кўшма баёноти қабул қилдилар. Давлат раҳбарлари иштирокида Фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома, Сайёхлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, кредит-молия ва бошқа соҳаларга оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўз қароргоҳида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари — “Поско” корпорацияси президенти Чунг Жунг Янгни, “Ханжин групп” ва “Кореан эйр” компаниялари раиси Чо Янг Хони қабул қилди. Учрашувларда узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, янги кўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири Мён Хюнг Кю билан суҳбат чоғида ахборот-коммуникациялари соҳасида, алоқа тизимида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).
Сервар ЎРМОНОВ
олган сурат.

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Конституциявий ва ҳуқуқий масалалар қўмитаси раиси Мирослав Антл раҳбарлигидаги делегация 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлди.

Мамлакатимизга ташриф буорган Чехия Республикаси Парламенти Сенатининг Конституциявий ва ҳуқуқий масалалар қўмитаси раиси Мирослав Антл раҳбарлигидаги делегация 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан мамлакатимизнинг Варшавадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган тантанали қабул маросимида Польша Республикасининг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек, дипломатия миссияларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Муҳим санага бағишланди

Тақдирот чоғида Ўзбекистонда ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти асосидаги демократик ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида юз бераётган кенг қўламли ўзгаришларга оид батафсил маълумотларнинг қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларини қайд этиш бораборида, Ўзбекистон — Польша муносабатларининг ҳозирги ҳолатига ҳам юқори баҳо бердилар. Шунингдек, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқлилик ва очкилик таъминлиги асосида ҳамда ҳар икки мамлакат манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда, икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга бўлган содиқлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ўзининг кўҳна тарихи, бой маданияти ҳамда ноёб аъёнлари билан дунё цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшгани маъносим муҳимлари томонидан бир неча бор қайд этилди.

Польша президенти маъмуриятининг раҳбари Я. Михаловский Ўзбекистоннинг мустақил

ривожланиш йиллари давомида икки ва ташқи сиёсатда салмоқли натижаларга эришганига тўхталди. “Ўзбекистонда муҳим вазиқлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда тизимли ўзгаришларни чуқурлаштириш воситасида аҳолининг фаровон турмуш кечириши даражасини таъминлаш йўли аниқлаш ва ижтимоий соҳаларни диққатга сазовордир, — деди у. — Биз тизимли, ҳар томонлама пухта ўйланган, иқтисодиётнинг жуда муҳим тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсатга гувоҳ бўлиб турибмиз”.

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраиси А. Дыха ҳар икки мамлакатда мавжуд бўлган салоҳиятдан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон билан янада яқин иқтисодий ҳамкорликдан Польша ишбилармон доиралари манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Адлия вазирлиги ҳузурлидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда юрист кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги халқаро тажрибани ўрганишга бағишланган анжуман ташкил этилди.

Малакали юристар кадрлар демократик ислохотлар жараёнида алоҳида ўрин тутади

Унда тегишли вазирликлар ва идоралар вакиллари, юристик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Япония, Буюк Британия, Германия, Россия, Венгрия каби давлатларнинг юрист кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослаштирилган муассасалари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашмоқда.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Бунда, шубҳасиз, малакали юристар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан кўрилатган муайян чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

Тошкентда 12 — 14 сентябрь кунлари “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Қўйида халқаро анжуманнинг хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар билан танишасиз.

Эътироф

Майкл О’БРАЙН,
Пенсильвания бизнес
мактаби президенти
(АҚШ):

— Мазкур анжуманда қатнашиш асносида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилатганининг гувоҳи бўлдим.

Америкада кўпинча «энг фойдали инвестициялар, бу — таълимга йўналтирилган инвестициялардир», дейишди. Ўзбе-

кистонга қисқа муддатли сафарим давомида давлатингиз ушбу йўлдан бориб, авваламбор, ёшлар, уларнинг билим олиши ва келажги учун катта миқдордаги инвестицияларни йўналтираётганига ишонч ҳосил қилдим.

Сиддхарт САКСЕНА,
Кембриж университетининг
профессори
(Буюк Британия):

— Президент Ислам Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан ҳақиқий раҳнамога хос

донолик ва узоқни кўра билиш қобилиятини намоён этмоқда. Тадбиркорлар, кичик ва хусусий корхоналар барча соҳаларда тенг имкониятларга эга бўлаётгани ушбу сиёсат самарадорлигининг энг муҳим хусусиятларидандир. Бу, ўз ўрнида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантиришдан манфаатдорлигини оширмоқда. Демак, бу ерда гап фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мазкур жараёнга шунчаки жалб қилишни кенгайтириш ва родини ошириш хусусида эмас, балки иқтисодиётни ривожлантиришда ушбу соҳаларнинг марказий ўрини эгаллашига эришиш ҳақида бормоқда. Бу барча фуқаролар учун бевосита ва давлатнинг аралашувисиз иқтисодий ўсишдан

бахраманд бўлиш имконини беради.

Турли хил халқаро прогнозларга қарамасдан ва жаҳон ҳамжамияти ҳамон молиявий инқироз ҳамда ишсизлик муаммоси билан курашаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти мунтазам юксалиб бормоқда. Мен Ўзбекистоннинг барча соҳаларда эришаётган ютуқларидан ҳайратдаман. Анжуман давомида мен бу ерда гап моддий неъматларни тўплаш ҳақида эмас, балки уларни яратиш, одилона тақсимлаш ва тасарруф этиш ҳақида бораётганига амин бўлдим. Бунинг энг мақбул ва самарали йўли — тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда бизнес билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

Бунёдкорлик манбаи

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция мамлакатимиз танлаган йўл нақадар тўғри эканлигини яна бир бор намоён этди.

Дил сўзи

Дарҳақиқат, юртимизда Президентимизнинг алоҳида гамҳўрлиги ва эътибори туфайли мазкур соҳа жадал ривожланмоқда. Айниқса, кейинги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бу йўлдаги турли бюрократик тўсиқлар ва улар фао-

лиятига асоссиз аралашиларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирлар ишбилармонларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, ўз сармояларини ишлаб чиқаришнинг йирик лойиҳаларига йўналтиришларида муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 2-бетда).

Рақобатбардош корхоналар кўпаймоқда

2012 йилнинг олти ойи давомида юртимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган

101 та янги корхона ишга туширилди.

Ушбу корхоналарда маҳаллий хом ашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда, замонавий пенобетон маҳсулотлари, ламинат ва МДФ, цемент ва гипс ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, бу тураржой қурилиши учун ресурс базасини кенгайтириш мақсадида амалга оширилатган изчил чора-тадбирлар самарасидир.

Бир рақам шарҳи

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистонда глобал харид қобилиятига эга, иқтисодий жиҳатдан бақувват ўрта синф шакллантирилди. Бу Ўзбекистон Президенти юритаётган иқтисодий сиёсатнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ўте КОХЛОВСКИ-КАЖАЯ, Марказий ва Шарқий Европада мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси ваколатхонаси раҳбари (Германия): — Ўзбекистон тажрибаси билан танишган, Германияга Европада рақобатбардош иқтисодиёт яратиш имконини берган иккита асосий йўналиш бўйича мамлакатларимиз ўртасида яқин ўхшашлик борлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу — хусусий сектор ривожини учун зарур инфратузилмани шакллантириш. Иккинчиси, 12 йиллик мажбурий таълимни кўзда тутувчи кадрлар тайёрлаш тизими бўлиб, унинг 3 йилги ёшларнинг муайян касб эгаллашига қаратилган.

Ладаж СЕЕС, «Fontis» университети профессори (Голландия): — Ёшларга касб-хуналар таълими олиши учун кенг имкониятлар яратилгани, шунингдек, ижтимоий масъулият, инвестицияларни оқилона йўналтириш ва

сарфлаш, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан бу борада юритилаётган оқилона сиёсат, хусусан, таълим соҳасига инвестиция киритиш ва малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги кенг қўламли ишлар ҳар қандай одамни ҳайратга солади.

Александр ВИЛЕНСКИЙ, Олий иқтисодиёт мактаби ҳузуридаги Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш маркази раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор (Россия):

— Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини барча кўрсаткичлар бўйича Россиядагидан бир неча баробар юқоридир. Бу — камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Бунинг сабабини Ўзбекистонда Россияга қараганда бизнес муҳит анча юқори даражада шакллантирилгани билан изоҳлаш мумкин.

Россия — йирик корхоналар мамлаката. Россияда инқирознинг энг мураккаб даври ортада қолганидан кейин ҳам, кичик бизнеснинг қайта тикланиши ва ўсиш жараёнидаги иштироки сезилмаётди. Давлат томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича катта ваъдалар ва баёнотлар берилган бўлса-да, амалда улар бажарилмапти. Кичик бизнесда савдо-сотик устунлик қилаётди.

Инновацияларга асосланган кичик бизнес ривожланмапти.

Жералд КОЕН, Ж. Шаффе номидаги халқаро бизнес марказининг халқаро савдо масалалари бўйича катта мутахассиси, Брайнт университети (АҚШ):

— Кичик бизнес ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти асосидир. Ўзбекистон кичик бизнес изчил ривожланаётган мамлакатдир. Бу, шубҳасиз, миллий иқтисодиётни янада ривожлантириш имконини бермоқда. Мамлакатингиз иқтисодиёти бизнесни ташкил қилиш ва юритиш шартлирини яхшилаш борасида кўрилатган кенг қўламли чора-тадбирлар натижада барқарор суруятларда ривожланаётганига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Андрес СТОЛАН, «International Development Norway» компанияси президенти (Норвегия):

— Кичик тадбиркорлик субъектларининг халқаро бизнес жараёнларига интеграциялашуви инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро бизнесда иштирок этаётган компанияларнинг ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни жорий этиш имкониятлари бошқаларга қараганда тўрт баробар юқоридир. Бу мазкур корхоналарнинг, пировард натижада эса миллий иқтисодиётнинг

рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун таъки бозорларга чиқиш борасида яратилган кенг шарт-шароитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар очмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилмоқда.

Патроклос КУДУНИС, Афина шаҳри савдо-саноат палатаси аъзоси, «Alco Hellas SA» компанияси бош директори ва Директорлар кенгаши аъзоси (Греция):

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Греция кичик бизнесни ривожлантиришда қўллаб-қувватлаш сиёсатини шакллантиришда Ўзбекистон тажрибасини ўрганмоқда ҳамда ундан самарали фойдаланмоқда. Мустақилликнинг 21 йили давомида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш энг муҳим устувор йўналишлардан бирига айланган.

Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётда кичик ва хусусий корхоналарнинг ролинини ошириш, демократик жамиятнинг асоси бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш бўйича ўз олдига қўйган асосий мақсадларни изчил амалга оширмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ўн учта Ўзбекистон — Чехия кўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Чехиянинг бир қатор етакчи фирм ва компаниялари юрти- мизда ўз ваколатхона-

ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

ларини очган. Улар озиқ- овқат саноати, тўқимачилик, нефть ва газ, пласт- масса маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сайёҳлик соҳаларида фаолият олиб бораётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиде бўлиб ўтган учра- шувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органла- рини ўртасидаги муносабат- ларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир маса- лалар юзасидан фикр ал- машилди.

Чехия парламенти деле- гацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи- лик палатасида, шунинг- дек, мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идора- ларида ҳам учрашувлар ўтказди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

Муҳим санага бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

У Ўзбекистоннинг барқарор ўсувчан иқтисодий тараққиётга эгаллигига Польша шохид бўлди, дея баёнот берди. “Мамлакат мустақиллик йилла- ри давомида ижтимоий-сиёсий тизимни изчил модернизация- лаш ҳамда миллий иқтисоди- ётнинг барқарор ривожланти- риш йўлини босиб ўтди”, деди А. Дълча.

Польша Иқтисодиёт ва- зирлиги Халқаро ҳамкор- лик департаменти дирек- торининг ўринбосари Э. Бодио қайд этганидек, “Ўзбекистон ўзи эришган му- ваффақиятлари билан хурматга сазовордир. Бу нафақат барқа- рор иқтисодий тараққиёт, балки кўп миллатли жамиятдаги ишонч ва бири-бирини ўзаро тўғри тушуниш муҳитига ҳам алоқадордир. Республиканинг ички капитал маблағларини ҳамда хорижий сармояларни, шунингдек, халқаро компания- ларни жалб этиш билан боғлиқ истиқболлари ҳам қувонарли. Менинг ўйлашимча, мамлакат катта тараққиёт йўлини босиб ўтди, олдинда эса янги муваф- фақиятлар тўрибди”, деди у.

Польша ташқи ишлар вазирининг собиқ ўринбо- сари А. Залуцкий Европа мамлакатларининг Ўзбекистон- га бўлган қизиқиши тобора ор- та бўлиб кўринганини билдирди. У Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъ- минлашга йўналтирилган ташқи

сиёсий ташаббусларининг дол- зарблигига эътибор қаратди. “Ўзбекистон Республикаси ўзи- нинг ташқи сиёсатида барча шериклар билан ўзаро манфа- атли ҳамкорликни ривожланти- ришга алоҳида аҳамият бера- ди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик бар- ча долзарб муаммолар юзаси- дан ўзаро мақбул қарорлари билан чиқадиган”, дея таъкидлади А. Залуцкий.

Тантанали тадбир чоғида Польша ишбилармон доирала- ри вакиллари Ўзбек халқига янада улкан муваффақиятлар тилар эканлар, мамлакатимиз- да фаолият кўрсатаётган Польша фирма ва компания- лари Ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳам- корликни давом эттиришни ис- ташларини маълум қилдилар. Шу ўринда улар хорижий сар- моядорларга кенг доирадаги қўшимча қулайлик ва имтиёз- лар берилиши юзасидан мам- лакат раҳбарияти томонидан кўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратишди.

Тантанали маросим доира- сида тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Мус- тақиллигининг 21 йиллигига ба- гишланган болалар расмлари танлови голибининг ишлари билан танишдилар. Шунингдек, ўзбек замонавий сураткашлар- нинг ижод намуналари, халқ амалий санъати маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» АА, Варшава

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Юристар малакасини ошириш маркази бу борада му- ҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу марказ суд, афлия ва адвокату- ра идоралари вакиллари, кор- хона, муассаса ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимлари, соҳага иқтисослаштирилган ўқув юртлари ўқитувчиларининг ма- лакасини ошириш ва қайта тай- ёрлашда фаол иш олиб бормоқда.

— Марказ ташкил этилган

кузатиб келаман, — дейди Наюя университетини профессори Као- ру Обата. — Шу жумладан, Ўзбекистон суд-хуқук тизимида амалга оширилган ислохот- лардан ҳам яхши хабарим бор. Ўзбекистонда таълимнинг бар- ча босқуچларида ҳуқуқий билим- ларни ўқитиш жорий этилгани, аинқаси, катта тасарруот қол- дирди. Негаки, бизнинг ёшлар 18 ёшдан бошлаб ҳуқуқий би- лим олиш имконига эга бўла- ди, сизларда эса бу ишга мак- табдаёқ эътибор берилар экан.

Малакали юрист кадрлар демократик ислохотлар жараёнида алоҳида ўрин тутди

дастлабки йилларда 600-800 на- фар юрист малака оширган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 2 мингдан зиёдни ташкил этмоқда, — дейди Юристар малакасини ошириш маркази директори Асқар Ғофуров. — Ўқув машғулотла- рини самарали ўтказиш учун бarcha шарт-шароит яратилган. Бу ерда тингловчиларнинг наз- рий билимларини бойитиш билан бирга, амалий кўникма- ларини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Яъни Олий Мажлис палаталари, Кон- ституциявий, Олий суд ва Олий ҳужжалик суди, Афлия вазирилик, Инсон ҳуқуқлари бўйича Мил- лий марказ ҳамда Омбудсман- да учрашувлар ташкил этила- япти. Эътиборлики, бу жараён- да тингловчилар маърузи орган- лар фаолияти, қонунчилик ва суд жараёнлари билан аниқдан танишиш имконига эга бўлишмоқда.

Анқуманда сўзга чиққан хо- риждик экспертлар ва ҳуқуқшу- нослар бу борадаги халқаро тажриба, юридик таълим муас- сасаларида олиб борилаётган ишлар ҳамда юридик таълим ва малака оширишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида атроф- лича маълумот беришди. Хусусан, юрист кадрларнинг давлат бошқарувидаги роли ва аҳа- ми ятини оширмадан туриб, мам- лакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янгилаш ва модерни- зация қилиш бўйича мақсадлар- га эришиб бўлмаслиги таъкид- ланди. Қўллаб-ривожланган де- мократик давлатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тай- ёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қараб кели- наётгани алоҳида қайд этилди.

— Ҳуқуқшунос бўлганим учун ҳажондаги қўллаб-даватларнинг суд-хуқук тизимини мунтазам

Шу маънода, анқуманда нафа- қат тажрибамиз билан ўртоқла- шамиз, балки бу ердан қўллаб илгор услуб ва янгиликларни ўрганиб қайтаемиз.

Тадбирда Президентимиз- нинг яқинда эълон қилинган “Суд тизимини ходимларини иж- тимоий муҳофаза қилишни туб- дан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг маъ- мун-моҳияти ва суд-хуқук исло- хотларининг ҳозирги босқичида- ги аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Дарҳақиқат, бу ҳаж- жат соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган ишлар билан алоҳида эътибор берилар экан.

Анқуманда Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида тажриба алмаштириш, ҳамкорлик- да илмий тадқиқот ишларини бажариш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда юрист кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш, соҳа- да тўлганган хориж тажрибаси- нинг кенг ўрганиши ва таҳлил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам қўзда тутилган.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технология ва самарадорлик

Қулай сармоявий муҳит тадбиркорлик ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда ишбилармонлар, кичик бизнес вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратишмоқда. Соҳа вакиллари берилаётган қатор имтиёзлар эса рақобатбардош маҳсу- лотлар ишлаб чиқариш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлари билан тўлдириш имконини бераётди.

Кичик бизнес



Жиззах вилоятида ҳам бу борада олиб борилаётган ислохотлар қўлами кенг. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудда саноат соҳасида 81, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 109 та лойиҳа амалга оширилди. Бинобарин, 296 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси иш бошла- ди. Бунда 2012/2013 йилларда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбир- корликни ривожлантириш дастурига асосан, тижорат банклари томонидан ажратилган 90,5 миллиард сўмлик кре- дитлар қўл келди. Пировардида жорий йилнинг 6 ойида вилоятда 120,5 милли- ард сўмлик истеъмол маҳсулотлари иш- лаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу дав- ридидаги нисбатан 111,6 фоиз ўсишга эришилди.

Бунда Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Бону ширинликлари” ху- сусий корхонаси жамоасининг ҳам му- носиб улуши бор. Жумладан, мазкур ҳўжалик субъекти томонидан январь — июнь ойлари давомида ўн беш турга яқин, 600 миллион сўмлик маҳсулот тай- ёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

— Фаолиятимизни 2000 йилда нон ишлаб чиқаришдан бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Рустам Икромов. — Кейинчалик қандолат маҳсулотлари тай-

ёрлашни ҳам ўзлаштирдик. Тошкент шаҳ- риде ташкил этилган кўرғазмаларда қатнашиб, замонавий хориж технология- ларининг афзал жиҳатларини ўргандик. Ҳозир ойига ўртача 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчилар- га етказиб бераемиз. Дарвоқе, яқинда Италияда ўтказилган халқаро кўрғазмада ҳам муваффақиятли қатнашиб қайтдик. Маҳсулотларимиз хориждикларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бу эса келгусида ташқи бозорга чиқишимиз, чет эллик ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишимизда қўл келиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ташаббускорлик ва ишла- нувчанлик — тадбиркорларга хос фази- лат. Жумладан, Рустам Икромов яқинда ўз сармояси ҳамда банкнинг 150 милли- он сўмлик кредити ҳисобига хориждан яна бир янги технология олиб келиб, ик- кинчи цех фаолиятини ҳам йўлга қўйди. Пировардида корхонанинг ишлаб чиқар- иш қуввати 40 фоизга ошди.

Ҳозир “Бону ширинликлари”нинг 22 кишилик жамоаси иш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш орқали ички бозордан мустаҳ- кам жой эгаллаш ҳамда хорижда ҳам харидорлар топиш ҳаракатида.

Улугбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. **Шомурот ШАРАПОВ** олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Натижада корхонамиз ҳозирги кунга келиб, Қашқадарь вилояти- да катта ҳажмдаги реклама бан- нерлари ва юздан зиёд турдаги матбаа маҳсулотлари ишлаб чи- қарувчи йирик ҳўжалик юритувчи субъектлардан бирига айланди. Яқинда эса Германиядан “Star-30” русумли офсет машинасини келтириб ўрнатдик. У ҳозирги ак-

манба, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёб- га чиқариш востиси, ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсад- ларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим соҳадир. Бугунги кунда айнан шу тизим ва- киллари — тадбиркорлар мамлака-

тизмизни тараққиёт ва демократик ислохотлар йўлида ривожлантирув- чи фаол куч сифатида майдонга чиқмоқда. Бу, албатта, биз энг тўғри ва ишончли йўлдан бораёт- ганимиздан далолат беради.

Зафар ТУРДАЛИЕВ, Қарши шаҳридаги «Фотоэксpress» ишлаб чиқариш корхонаси директори.

Қонун кучга кирди

Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-хуқук тизимида олиб борилган кенг қўламли ислохот- ларнинг туб моҳиятига сингдирилди. Чунончи, суд тизими ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва изчил либераллаштириш, судлар мустақилли- ги ҳамда масъулиятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда ушбу соҳада олиб бори- лаётган кенг қўламли ташки- лий-ҳуқуқий чора-тадбирлар самараси ўлароқ, суд ҳокимияти инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган муста- қил давлат институти сифа- тида ўзини тобора кенгрок на- моён этиб, одил судловни амалга оширишга қодир суд

Суд-хуқук ислохотлари

инсон манфаатларини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади

ҳокимияти сифатида тўлиқ шаклланди.

Маълумки, суд-хуқук тизими- ни ислох қилиш мамлакатимиз- да демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис Президи- дентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда де- мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон- цепциясида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатда бугунги кун- даги сиёсий, иқтисодий, дав- лат-хуқуқ муносабатларининг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг қўламли вазибалар суд-хуқук тизимини янада демократлаш- тириш мақсадида бир қатор қонунчилик ташаббуслари ил- гари сурилган эди. Шу нуқтаи назардан айтганда, Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда яқинда кучга кирган “Суд-хуқук тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси- да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шубҳасиз, бу бора- да рўёбга чиқарилаётган ислох- отларда яна бир муҳим амал- лий қадам бўлди.

Мазкур Қонун билан бешта қонун ҳужжати — “Прокурату- ра тўғрисида”ги, “Судлар тўғри- сида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-про- цессуал, Фуқаролик процессуал ҳамда Ҳўжалик процессуал кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур Қонунга биноан, аввало, судга қадар иш юритиш босқи- чида прокурор, терговчи томи- нидан қўлланиладиган айблан- увчинини лавозимидан четлаш- тириш ва шахсни тиббий му- ассасага жойлаштириш тарзи- даги процессуал мажбурият санк-

судни томонидан яқка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материал- лар келиб тушган пайтдан эъти- боран 48 соат ичида қўриб чи- қилади. Бу, албатта, жиноят иши бўйича суд терговининг тезкор ва сифатли ўтказилишига, фу- қаролар ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгрок таъминлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, хорижий мамлакатлар, чунончи, АҚШ, Германия, Фран- ция, Япония, Корея Республи- каси, Россия тажрибаси шуни кўрсатадики, айбланувчини ла- возимидан вақтинча четлашти- риш тарзидаги ва шахсни экс- пертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзи- даги процессуал мажбурият чораларини жиноят процессида қўллаш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ, айбланувчининг тиб- бий муассасада бўлиши мун- датино узайтиришнинг суд тар- тибини киритилди. Шахс тиббий муассасага қўли билан бир ой мuddатга жойлаштирилиши мум- кин. Алоҳида ҳолларда шифо- корлар хулосаси асосида бу мuddат прокурор илтимоснома- си бўйича суд томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Айни чоғда Қонун билан прокурор зиммасига судда жи- ноят иши кўриляётганда, айб- лов хулосасини эълон қилиш мажбурияти юклатилди. Хори- жий тажрибани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, баъзи мам- лакатларда (АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Корея Респуб- ликаси, Россия) жиноят ишлар- ини кўзгатиш суриштирув ва тергов учун масъул шахслар (прокурор, полиция) томонидан

лар билан ҳамохан, давлати- миз раҳбари илгари сурган та- шаббус ва гоъларни рўёбга чи- қаришда фаол, фидойи бўлиш- ни тақозо этади. Бунда суд ти- зими ходимларини нафақат иж- тимоий муҳофаза қилиш, айни чоғда уларнинг касб малака- сини ҳам муттасил ошириб бо- риш ҳаётини заруратдир. Шу маънода айтганда, Президен- тимизнинг жорий йил 2 август- да қабул қилинган “Суд тизи- ми ходимларини ижтимоий му- хофаза қилишни тубдан яхши- лаш чора-тадбирлари тўғриси- да”ги Фармони бу борада айни мuddа бўлди. Зеро, мазкур ҳаж- жатда суд органларининг дав- лат бошқарувидаги роли ва ўрнини янада оширишни таъмин- лаш, мустақил суд иш юритуви учун ҳуқуқий ва ижтимоий қабо- латни қучайтириш, суд органи- йи ходимларининг ижтимоий маънави ҳимоя қилиш каби ма- салалар қамраб олинган.

Фармонда судьялик лаво- зимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Афлия вазирилик ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзе- бекстон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида маж- бурий тайёргарлик ҳамда ста- жировка ўташлари назарда ту- тилганлиги юртимиз суд-хуқук тизимида олиб борилаётган ис- лохотларнинг самарадорлигини таъминлашда айни мuddао бўлиб, Президентимиз томони- дан белгилаб берилган вази- фаларни рўёбга чиқариш, фу- қаролар ҳуқуқ ва манфаатла- рини суд орқали ҳимоя қилиш- га хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимиз суд-хуқук тизими- ни босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш борасидаги сазй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар соҳадаги ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда, шубҳасиз, муносиб ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

М. РАҲАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Молия муассасаларида



Бугун мамлакатимиз дунёдаги энг барқарор ривожланаётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Узига хос миллий тараққиёт йўлидан қадам ташлаётган юртимизда ҳар бир соҳада, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилаётган. Бу борадаги ислохотлар яқинда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция меҳмонлари томонидан ҳам юксак баҳоланди. Бинобарин, юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, у ердаги ободликка, ҳудуд аҳолисининг ташаббуси билан рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик



лойиҳаларига гувоҳ бўласиз. Кимдир янги корхона очиб, ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитиш пайида бўлса, яна кимдир хизмат кўрсатувчи шохобча ташкил қилиб, маҳалладошларини иш билан таъминламоқда.

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш — устувор мақсад

Аҳоли бандлигини таъминлашда, уларнинг даромадини кўпайтириш ва тадбиркорлик қобилиятини юзга чиқаришда, умуман, мамлакат иқтисодиёти ривожига молия муассасаларининг муносиб ҳиссаси бор. Банклар томонидан ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар айнан миқдорлар манфаати доирасида шакллантирилганлиги тўғрисида банк-молия тизими, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари кузатишмоқда. Республикадаги энг йирик ва универсал молия муассасаларидан бири — "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолияти бунга яққол мисолдир.

Бугунги кунда мазкур банкнинг жойлардаги 12 та минтақавий бошқармаса ва уларнинг таркибига кирувчи 183 та филиали, 300 та минибанки, 240 та махсус кассаси орқали барча мулк шаклидаги 197 миңдан зиёд юридик ва 2 миллионга яқин жисмоний шахслардан иборат миқдорларга қўлай ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, маийши ва сервис соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар қўлланган самарани бермоқда. Хусусан, банк филиалларининг жойлардаги тадбиркор ва кичик бизнес корхоналарига ажратган кредитлари ҳисобига 23127 та иш ўрни яратилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "Агробанк" томонидан ажратилаётган кредитлар, айниқса, республикамизнинг чекка ҳудудларида, қишлоқ жойлардаги ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга, шу орқали қўллаб-қўллайиш йўналиши яратилишига қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Натияжада жойларда қўллаб-қўллайиш, хусусан, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Ҳам миллий, ҳам хорижий валютада

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларига асосан, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган вақт мобайнида кичик бизнес субъектларига 262,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Натияжада 23 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Кредитларнинг 61 фоизи ёки 159,1 млрд. сўми узоқ муддатларга ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги қарорига асосан, аҳолини маҳаллий сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжларини таъминлаш мақсадида 80 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Шунингдек, Юртбошимизнинг 2009 йил 28 январдаги

қарорига мувофиқ, аҳолининг ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжларини таъминлаш мақсадида 59,2 млрд. сўмлик кредит берилди.

2012 йилда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажми ҳам кескин ошди. Янги берилган микрокредитлар 2012 йил 1 сентябрь ҳолатига қўра, 69 млрд. 971 млн. сўмни ташкил этди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қасб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш мақсадида 3 млрд. 159 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, белгиланган прогноз 124 фоизга бажарилди.

Хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида 5 млрд. 326 млн. сўмлик кичик бизнес субъектларининг лойиҳалари молиялаштирилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 16 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 3114 тани ташкил этди. Худди шунингдек, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича 29,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-

"Элегиягрант" масъулияти чекланган жамияти банкдан 390 миң АҚШ доллари миқдорда кредит олиши эвазига қурилиш моллари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотининг асосий қисми четга экспорт қилинапти. Корхонада қўшимча 15 та иш ўрни ташкил этилди.

Корхоналар фаолияти тикланмоқда

Тижорат банклари томонидан Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2008 йил 19 ноябрдаги "Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан, "Агробанк" томонидан 11 иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинган бўлиб, банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш мақсадида уларнинг ишлаб чиқариш базасини реконструкция ва модернизация қилиш учун сўмлик инвестиция киритилди.

Банкрот корхоналар негизда рақобатбардош ва юқори сифатли

лантириш дастурларига мувофиқ, жорий йил давомида 268 та 28 миң АҚШ доллари ҳамда 44 млрд. 961 млн. сўмлик, банк кредити ҳисобидан 28 млрд. 811 млн. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилиб, 2104 та иш ўрни яратилди.

Эътироф этиш керакки, кичик бизнес корхоналари ўз ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириб ва такомиллаштириб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, "Агробанк" кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини халқаро молия институтлари кредит йўналишлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш ҳамда уларнинг импорт ўрини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириб келмоқда. Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси кредит линиялари ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линиялари ана шулар жумласидандир. Қолаверса, Наманган вилоятида жойлашган "Наманган момик сочиқлар" масъулияти чекланган жамиятига 889 миң АҚШ долларлик кредит ажратилиб, шунинг эвазига бугунги кунда кунига 6 тонна сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлими шундаки, 85 киши иш билан таъминланди.

Тошкент вилоятида жойлашган

Хулоса ўрнида айтганда, "Агробанк" ОАТБ мамлакатимиз иқтисодиётининг янада барқарор бўлиши ва тараққиёт этиши учун сармоялар йўналтириб, пировардида аҳоли турмуши фаровонлигининг яхшиланшига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Б. ЖўРАЕВ.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 майдаги 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган гишт заводи.

2. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 майдаги 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган гишт заводининг ишлаб чиқариш ускунаси.

3. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 майдаги 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган ер усти газ қузури.

4. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2011 йил 23 августдаги 4488/4489/4490/4491/4492/4493/4494/4495/4496-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Эйвалек кўрғонида жойлашган нотураржой биноси.

5. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2011 йил 23 августдаги 4488/4489/4490/4491/4492/4493/4494/4495/4496-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ, Эйвалек кўрғонида жойлашган нотураржой.

6. Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 20 декабрдаги 18281-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ШФЙ, Гулзор кўчасидаги 49-уй.

7. Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 8 августдаги 14678-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ШФЙ, Зебинисо кўчаси, 20-уй, 9-хонадон.

8. Қибрай тумани СИБ томонидан 2010 йил 28 апрелдаги 11-1019/2653-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган ферма бино ва иншоотлари.

9. Урта Чирчик тумани СИБ томонидан 2011 йил 16 майдаги 2785-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Урта Чирчик тумани, «Қорасув» ҚФЙда жойлашган «Омихта ем» омборхона биноси.

10. Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган уй-хона.

Аукцион савдолари 2012 йил 23 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқорида кўрсатилган мулклар 2012 йил 23 октябрь кuni сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 7 ноябрь кuni бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг ОАТБ «Ипотeka-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маийши хизмат кўрсатиш мажмуаси»нинг 2 та тугалланмаган бино-иншооти, ер майдони — 1,4 га., фойдаланиш майдони — 724,0 кв.м., шундан 269 кв.м. узоқшумчаллик билан қурилган бино-иншоотлар савдога қўйилган.

2. Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2012 йил 5 июндаги 1-1326/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чилонот кўчаси, 103-уйда жойлашган, умумий ер майдони — 450,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони — 198,42 кв.м., яшаш майдони — 140,34 кв.м., 7 хонали уй, ойнали айвон, бостирма ва ҳаммомдан иборат уй-хона савдога қўйилган.

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 23 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2. Объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Сергели тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан,

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-498/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 38-40-уйларда жойлашган, А, Б, В, Г, Д, Е, Ж, И, К, Л блоклар ва айвонлардан иборат бўлган база биноси ва омборлар арзонлаштирилган нархда савдога қўйилган.

2. Ҳамза тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонот тумани, Арнасой кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган (собиқ 2-Автокорхона), ер участкасининг умумий майдони — 2,01 га., ҳақиқий майдони — 11583,0 кв.м., бино ва иншоотларнинг умумий майдони — 2382,5 кв.м., периметр узунлиги — 236 м. бўлган 3 та бино ва 2 та иншоотдан ташкил топган объект савдога қўйилган.

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 10 октябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эътиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

«AGTECH AGRI» ШЎҒБА КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан Англияда ишлаб чиқарилган JCB компаниясининг

Экскаваторлари

ҲАМДА

Юкловчи экскаватор

техникаларини таклиф этади.

Шунингдек, Жон Дир компаниясининг турли хилдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилади.

Техникаларнинг кафолат муддати бир йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Хизматлар лицензияга эга.

Манзил: Тошкент ш. Навоий к., 3/75. Тел.: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29. E-mail: info@agtech.uz www.agtech-agri.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Б. С. Бежновота отанинг САНАҚҲЛ отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Рашид Аллабергенова палари бузрукворинг ИСМОИЛ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика I-сон клиник шифохонаси жамоаси бош врач Азиз Юлдашевнинг Ибрагимовта вилоидан муқтарамаси Ҳамидхон яя ҒОҒУРОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фахр



Мамлакатимизда истиклолнинг илк йиллариданоқ жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Мустақил юртимизнинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталгани, 1992 йил январь ойидаёқ "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани ҳам бунинг аққол тасдиғидир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар халқ, ҳар бир миллат ўз иқболини бугун вояга етаётган авлод мисолида кўради.

Баркамол авлод

кељагагимизнинг мустақкам асосидир

Ўғил-қизларимизнинг онаюртта садоқати, фидойи, ватанпарвар инсонлар бўлиб улгайиши таъминлаш, иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар мазмун-моҳиятини чуқур аниқлаш учун айнан шу нуқта назардан ёндашиш зарур. Таълим ва спорт. Бу икки йўналишнинг ўзаро уйғунлиги айни биз орзу қилган соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари эртанги кун эгалари қалбидида спортга муҳаббат туйғусини шакллантиришда ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Жамғарма республикамизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базасини шакллантириш ҳамда мустақкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини барпо этиш, уларни бугунги замон талабига мос спорт анжуманлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Универсиада спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Бу тизим биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси битирувчиларигача — ёш авлоднинг барча вакиллари қамраб олади. Масалан, жорий йилги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани унинг қамрови қандай экани ва беллашувлар нақадар қизгин ўтганидан дарак беради. Дунёда ўхшаши йўқ бу ноёб тизим эртанги чемпионларнинг парвоз майдони ҳамдир. Жумладан, Ришод Собиров, Юлдуз Кўчқорова, Одил Аҳмедов, Аббосбек Махсаталев, Сарвиноз Қурбонбоева, Жамила Раҳматова, Замира Санақуллова, Азиза Мамажонова, Хусниабону Ғуломова, Сарвина Холиқова ва бошқа яна қўлаб спортчиларимизнинг истеъдоди айнан уч босқичли мусобақаларда кашф этилган. Фарзандларимизнинг соғлом бўлиб улгайишида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли спорт мусобақаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ўқувчи-ёшлар иштирокидаги "Олимпиада умидлари", "Кувнок стартлар", "Соғломжон — Полвонжон", "Баҳор маликалари", "Асалим", "Шум бола", "Баркамол ниҳоллар", "Қамолот маликаси", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи", "Футболимиз келажиги", "Ёзги таътил" каби қатор спорт ўйинлари шулар жумласидандир. Ана шундай республика миқёсидаги турнир ва мусобақаларда маҳоратини ошираётган ёшларимиз халқаро аренада ҳам дадил иштирок этишмоқда. Чунки, Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпиада ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди. 2010 йили Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган XVI ёзи Осиё ўйинларида эса вакилларимиз 11 олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза медали билан тақдирланди. Кейинги 5 йил мобайнида республикамизда жисмоний имконияти чекланган болаларни ҳам спортга жалб этиш юзасидан қўллаб-қувватловчи на-тижаларга эришилди. Уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган мажмуаларда барча шароит яратиб берилган. Пировардда бундай ёшлар ҳам халқаро турнир ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келаяпти.

Мана бу рақамларга эътибор беринг: жамғарма ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида қарийб 1500 та замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорт объекти барпо этилди. Натижада ўқувчилар орасида спортга иштиёқ кучайди. Хусусан, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар ўртасида бу кўрсаткич 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, киз болалар ўртасида эса 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди. Муҳими, 2005 — 2011 йилларда мутлақ соғлом болалар мамлакат бўйича 52,7 фоиздан 62,9 фоизгача кўпайди, сунунки касалликларга чалинган болалар сони эса кескин камайди.

Жорий йил учун ишлаб чиқилган дастурда 96 та спорт иншоотида (5 таси 2013 йилга ўтади) реконструкция ишларини амалга ошириш, янгидан қуриш, мактаб спорт залларини таъмирлаш каби вазифалар белгилаб олинган. Ёш авлодни она-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва

Ватанимиз равнақи, порлоқ келажакимизнинг мустақкам таъниги бўлган ўғил-қизларимизни комил инсонлар сифатида вояга етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Олимпон ШОДИЕВ, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари.

Қишлоқ шифохоналари — янги бинода

Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятининг намунали йўлга қўйилиши аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бунёдкорлик

Янгиқўрғон туманида ана шундай даволаш масканларидан иккитаси учун замонавий бино барпо этилди. Бундан бир неча йил аввал мотлаштирилган бинода иш бошлаган "Исқовот" ва "Ғовазон" қишлоқ врачлик пунктлари учун қурил-

ган янги иншоотларда профилактика ва даволаш амалиётларини замон талаблари даражасида ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳар бири 50 қатновга мўлжалланган бу масканлар "Саломатлик — 2" дастури доирасида тиббий жиҳоз ва ускуналар билан

таъминланган бўлиб, улар ёрдамида ташхис қўйиш, биокимёвий таҳлиллар ўтказиш ва муолажалар олиб бориш имконияти яратилди.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда вилоятдаги 242 та қишлоқ врачлик пунктида малакали тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт

Анджон вилояти травматология шифохонасида инсон танасининг синган суяқларини қисқа муддатда самарали даволаш борасида янги усул қўлланила бошланди.

Тезкор муолажа

— Польшалик ҳамкасблар томонидан ўзлаштирилган мазкур усул беморнинг бир ҳафтага қолмай оёққа туриб кетишини кафолатлайди, — дейди муассаса бosh шифокори Икромжон Акбаров. — Бахтсиз ҳодиса туфайли саккиз ойлаб дард чекиб юрган беморларга даво чорасини

қўллаганимизда, уларда дарз кетган ва синган суяқлар битиб, оғриқдан асар ҳам қолмади.

Эътиборлиси, ўтган қисқа муддатда шифохонада 158 нафар бемор мазкур муолажа йўли билан соғлиқларини тиклаб олди.

О. ШОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда ислохотлар изчил амалга ошириляётгани иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини сақлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани бунинг аққол тасдиғидир.



Тошкент қувур заводи:

Барқарор ривожланиш йўлидан

Албатта, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиляётгани, янгила-ри бунёд этиляётгани, шунингдек, фаол инвестициявий сиёсат олиб бориляётгани иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилли бўлмоқда. Саноатимизнинг йирик корхоналаридан бири — Тошкент қувур заводи жамоасининг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Шу йилнинг январь — июнь ойларида юқори ликвидли қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми бу ерда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 102,7 фоизга ўсди. 2012 йил ва ўрта муддатли истиқболнинг кейинги йил-ларига тасдиқланган бизнес-режаси параметрларига кўра эса, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми камида 3-5 фоизга, янги иш ўринлари 10-15 фоизга кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Бунга қайси омиллар ҳисобига эришилди? Аввало, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги турдаги рақобатбардош маҳсулотларни серияли ишлаб чиқариш йўзлаштириш, илгор инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этишга

устуворлик берилди. Негаки, инновациялар корхонани бозор ўзгаришларига мослаштириш, иш-

кувурларни серияли ишлаб чиқаришни босқичма-босқич ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳа, айниқса, ўзига хос ноёб ҳисобланади.

Сабаби, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда коммунал тизимининг хорижий таъминот-

Мухтасар айтганда, корхона раҳбарияти ва хорижий муассислар томонидан олиб бориля-рун саъй-ҳаракатлар, эришилган ютуқлар Тошкент қувур заводи тармоқдаги етакчилик мавқени сақлаб қолди, унинг маҳсулотлари эса нафақат Ўзбекистон бозорига, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош бўлишидан далолат беради.

Усмон УСМОНОВ.

Advertisement for 'Kochmas Mulk Savdo Xizmati' (Kochmas Real Estate) featuring an auction of land in the 'Uchtep' district. It includes details about the auction date (October 10, 2012), location, and contact information for the organizing company.

Advertisement for Hyundai Heavy Industries Co., Ltd. featuring images of various construction equipment like excavators and loaders. It lists the company name in English and Korean, and provides contact details for their Uzbekistan distributor, GST OIL.

Advertisement for 'Sotamiz' (We Buy) real estate agency. It lists services for buying/selling property, car loans, and other financial services. Contact information and office address are provided.

Advertisement for 'Ob-Xavo' (Weather) providing a 7-day weather forecast for various regions in Uzbekistan, including Kashkadarya, Bukhara, and Tashkent. It includes temperature ranges and weather icons.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' (People's Word) featuring a 'Narodnoe Slovo' (Folk Word) section. It promotes a contest and provides contact information for the organizing committee.

Advertisement for 'Boh Muxarriр Utkir Raxmatov' (Head Editor Utkir Raxmatov). It provides contact information for his office, including phone numbers and an address in Tashkent.

Advertisement for 'Sharq' (East) newspaper. It mentions a contest and provides contact information for the newspaper's office.

Advertisement for 'Manzilimiz' (Our Home) real estate agency. It lists services for buying/selling property and provides contact information for the agency.